

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ
КАДРЛАРГА ДАВЛАТ
БУЮРТМАСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ
БУЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби бўйича услубий қўлланма
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т. 2025 й. – 15 б.

Мазкур услубий қўлланма, олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартибини ўрганиш ва амалга ошириш учун ишлаб чиқилган. Ушбу қўлланмада давлат органларининг олий маълумотли кадрларга бўлган талабини шакллантириш, таълим йўналишлари ва ихтисосликлар бўйича талаблар, шунингдек, уларни тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этишга оид асосий қоидалар ва амалий тавсиялар келтирилган. Қўлланма, давлат ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлашда замонавий талабларга жавоб берадиган методикаларни жорий қилишга қаратилган. Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© «Адолат» миллий ҳуқуқий
ахборот маркази, 2025 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Олий таълимга оид қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Умумий қоидалар.....	6
Олий маълумотли кадрларга эҳтиёжни аниқлаш тартиби.....	7
Табиий кетиш коэффиценти қўлланилиши.....	10
Иловалар.....	14

КИРИШ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда олий маълумотли кадрларга бўлган давлат буюртмаси шакллантириш масаласи муҳим устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, давлат талабларига мос мутахассислар ишлаб чиқиш ва таълим соҳасида самарали амалий ишлар олиб бориш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш барча соҳалар учун стратегик аҳамият касб этмоқда.

Олий таълим муассасалари ва давлат органлари ўртасида олий маълумотли кадрларга бўлган талабни шакллантириш, давлат буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг таълим сиёсатига оид қонунлар ва дастурларнинг ижроси, давлат буюртмаси шакллантирилишига доир қонунчиликнинг тўғри амалга оширилиши ва уларга амалий ёрдам бериш учун услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифа саналади.

Ушбу услубий қўлланма олий маълумотли кадрларга бўлган давлат буюртмаси шакллантириш тартиби ва уни амалга оширишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини тушунтиришга қаратилган. Давлат буюртмаси бўйича кадрлар тайёрлашдаги ҳуқуқий ва амалий жиҳатлар, олий маълумотли кадрларни тайёрлаш жараёнида давлат органлари ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади. Ушбу қўлланма таълим муассасалари, давлат органлари ва кадрлар тайёрлашда қатнашувчи бошқа ташкилотларга ёрдам беришга хизмат қилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020
йилдаги “Таълим тўғрисида”ги қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президенти-
нинг 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон
“2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон
Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза
қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғри-
сида”ги Фармони



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 29.01.2025 йилдаги 49-сон
“Олий маълумотли кадрларга давлат
буюртмасини шакллантириш тартиби тўғ-
рисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги
қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 23.02.2021 йилдаги 95-сон
“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари-
нинг сувни тежайдиган суғориш техно-
логияларини жорий этиш бўйича хара-
жатларининг бир қисмини қоплаш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги қарори



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

● Олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби

Асосий тушунчалар:



Давлат буюртмаси - иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб, давлат гранти кўринишида ажратиладиган кадрларга бўлган буюртма



Кадрларга бўлган эҳтиёж - иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли кадрларга бўлган талаби



Платформа - Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан юритиладиган, давлат буюртмасини шакллантиришда маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш имонини берувчи рақамлаштирилган махсус электрон дастур



Табиий кетиш коэффиценти — соҳа ёки тармоқда ҳар йили табиий сабабларга кўра (пенсияга чиқиш, вафот этиш, кўчиб кетиш ва бошқалар) юзага келадиган кадрлар қўнимсизлиги кўрсаткичи

Асосий мақсад:

Олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж юзасидан тегишли таҳлиллар ўтказиш, меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан кадрларни тайёрлаш имкониятини ўрганиш ҳамда иш берувчиларнинг талабларига мос кадрларни тайёрлаш учун реал эҳтиёжни шакллантириш.

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАРГА ЭҲТИЁЖНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

Платформада қуйидаги маълумотлар шакллантирилади:

иқтисодий фаолият турлари кесимида иқтисодиёт тармоқларида **расман банд бўлган аҳоли сони**;



фаолият турлари кесимида давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг **ўқишни тамомлагандан** сўнг расман бандлиги;

меҳнат ресурслари баланси, меҳнат бозорида мавжуд бўш иш ўринлари, иқтисодий фаолият турлари бўйича **бандлик даражаси**;



республикада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари **битирувчилари сони**;

олий таълим ташкилотлари бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари кесимида мавжуд қувватлар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқитиш учун **моддий-техника базаси**.



Бу муҳим!

Олий маълумотли кадрларга эҳтиёж **Платформа орқали** аниқланади. Маълумотлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта ишлаб борилади.

● Амалга ошириш механизми ҳамда идоралараро ҳамкорлик

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Платформага «Олий таълим жараёнларини бошқариш (HEMIS)» ахборот тизимини интеграция қилади ҳамда ҳар ўқув йили якуни бўйича **3 ой муддатда** талабалар ва олий таълим ташкилотлари тўғрисидаги зарур маълумотларни бериб боради.



Солиқ қўмитаси:



ҳар йили 1 мартга қадар Платформага иқтисодиёт тармоқларида расман банд бўлган **аҳоли сони** (иқтисодий фаолият турлари ва ҳудудлар кесимида);



ҳар йили 10 мартга қадар Платформага давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари **битирувчиларининг** ўқишни тамомлагандан сўнг расман **бандлиги** тўғрисидаги маълумотларни (фаолият турлари кесимида) киритади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА
БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ



ҳар йили 15 мартга қадар Платформага **меҳнат** ресурслари баланси, меҳнат бозорида мавжуд бўш иш ўринлари, тўғрисидаги маълумотларни киритади.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР, САНОАТ ВА САВДО
ВАЗИРЛИГИ



ҳар йили 1 мартга қадар йирик ишлаб чиқариш **объектлари ва қувватларини** ишга тушириш ҳисобидан келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни киритади.

Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:



ҳар йили 15 мартга қадар Платформага иш берувчиларнинг ўз тизимларида ҳамда тегишли ҳудудда **келгуси йилларда** юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж бўйича маълумотларни киритади.

Бу муҳим!

Аниқланган олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёждан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан олий таълим ташкилотларида **ҳар 4 йилда давлат буюртмаси** параметрларини шакллантиришда фойдаланилади ва вазирлик **расмий веб-сайтига жойлаштирилиб борилади.**

ТАБИЙ КЕТИШ КОЭФФИЦИЕНТИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

● Табиий кетиш коэффиценти формулалари



$$ST = R + L + V + (MK * Tk)$$

- ✓ **ST** - соҳа кесимида кадрларга бўлган умумий эҳтиёж;
- ✓ **R** - ривожланиш стратегияларини амалга ошириш орқали яратиладиган янги иш ўринлари;
- ✓ **L** - янги лойиҳалар (янги филиаллар, муассасалар ташкил этилиши) орқали ҳудудларда ташкил этиладиган янги иш ўринлари;
- ✓ **V** - узоқ муддат (1 йилдан ортиқ) давомида бўш иш ўринлари;
- ✓ **МК** - тармоқда амалда банд бўлган кадрлар сони;
- ✓ **Tk** - соҳавий хусусиятлар ва мавжуд кадрлар таркибидан келиб чиқиб қўлланиладиган табиий кетиш коэффиценти.

Ҳуқуқий асос:

Вазирлар Маҳкамасининг 29.01.2025 йилдаги «Олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 49-сон қарори

Аниқланган соҳа талаби асос сифатида олиниб, **макроиқтисодий таҳлиллар** ўтказилади, бунда:



тегишли соҳа бўйича ҳудудлар кесимида амалда **ўқиётган талабалар ва битирувчилар сони**;



меҳнат бозорида тегишли соҳа бўйича мавжуд бўш иш ўринлари, ишсиз ҳисобланган кадрлар ва иш ўринларининг ўсиши (ёки қисқариши) тенденциялари ўрганиб чиқилиб, тармоқларнинг ўрта муддатдаги **реал эҳтиёжи аниқланади**.

Бунда қуйидаги формула орқали ўтказилади:



$$RST = ST - T - Is$$

- ✓ **RST** - соҳанинг ўрта муддатдаги (4 йиллик давр учун) кадрларга бўлган реал эҳтиёжи;
- ✓ **ST** - соҳа кесимида кадрларга бўлган умумий эҳтиёж;
- ✓ **T** - ОТМларда амалда кадрларга бўлган талаб аниқланаётган йўналишлар бўйича таҳсил олаётган талабалар сони (ҳудудлар кесимида аниқланади);
- ✓ **Is** - меҳнат бозорида кадрларга бўлган талаб аниқланаётган йўналишлар бўйича мос бўлган дипломга эга ишсизлар сони.

Бу муҳим!

Соҳалар бўйича эҳтиёж умумлаштирилиб, олий маълумотли кадрларга бўлган давлат буюртмаси шакллантирилади.

Ҳар йили умумий аниқланган эҳтиёжнинг **25 %идан кам бўлмаган** қисмига давлат буюртмаси белгиланади.



Давлат буюртмаси асосида кадрлар **давлат гранти** асосида тайёрланади.

Давлат буюртмасини шакллантиришда қуйидагиларга устуворлик берилган ҳолда унга тегишли тузатишлар киритилади:



таълим ва тиббиёт муассасаларини кадрлар билан тўлдириш



давлат аҳамиятига эга бўлган лойиҳаларни кадрлар билан таъминлаш



ҳудудларда саноат, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини кадрлар билан тўлдириш



энергетика, кимё, автомобилсозлик каби стратегик соҳаларда кадрлар етишмовчилигининг олдини олиш

Бу муҳим!

Давлат буюртмаси параметрлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича **давлат комиссиясига тақдим этилади.**

● Сўнгги янгиликлар

Маълумот учун!



2025/2026 ўқув йилидан:

- 1** олий маълумотли кадрларга давлат буюртмаси Платформада жамланган маълумотлар ва **меҳнат бозори талабини** таҳлил қилиш асосида аниқланади;
кадрларга бўлган эҳтиёж 4 йиллик даврга ишлаб чиқилиб, ҳар йили меҳнат бозорининг ўзгариш тенденциялари,
- 2** ҳудудларда ижтимоий соҳа муассасалари ва иқтисодиёт тармоқларини кадрлар билан таъминлашни инобатга олган ҳолда, **Платформага тегишли тузатишлар** киритиб борилади.
2025 йилдан 4 йиллик давр учун давлат буюртмаси параметрларини олий маълумотли кадрларга бўлган талаб прогнозига мувофиқ равишда тасдиқлаш учун таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича **давлат комиссиясига ҳар йили 1 майга қадар** киритиш таъминланади.
- 3** шакллантирилган маълумотлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг **Очиқ маълумотлар порталида** эълон қилиб борилади.
- 4** талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар **қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.**
- 5**

ИЛОВАЛАР

Олий маълумотли кадрларга эҳтиёжни аниқлашда маълумотларни шакллантириш ва жамлаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Платформага «Олий таълим жараёнларини бошқариш (HEMIS)» ахборот тизимини интеграция қилади ҳамда талабалар ва олий таълим ташкилотлари тўғрисидаги зарур маълумотларни киритиб боради.	Ўқув йили якуни бўйича 3 ой муддатда
2-босқич	Солиқ қўмитаси	1. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг махсус электрон платформасига (платформа) иқтисодиёт тармоқларида расман банд бўлган аҳоли сони (иқтисодий фаолият турлари ва ҳудудлар кесимида) тўғрисида маълумотларни киритади. Ҳар йили 1 мартга қадар 2. Платформага давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ўқишни тамомлагандан сўнг расман	Ҳар йили 1 мартга қадар Ҳар йили 10 мартга қадар

		бандлиги тўғрисидаги маълумотларни (фаолият турлари кесимида) киритади.	
3-босқич	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	Меҳнат ресурслари баланси, меҳнат бозорида мавжуд бўш иш ўринлари, иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлик даражаси тўғрисидаги маълумотларни платформага киритади.	Ҳар йил 15 мартга қадар
4-босқич	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш ҳисобига келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисида маълумотларни киритади.	Ҳар йили 1 мартга қадар
5-босқич	Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Иш берувчиларнинг ўз тизимларида ҳамда тегишли ҳудудда келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж бўйича маълумотларни платформага киритади.	Ҳар йил 15 мартга қадар